



# «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

## BUYRUQ

2017 -yil «30» 01

TOSHKENT

№ 129-НЗ

### «Меҳнат муҳофазаси бўйича мониторинг ўтказиш тўғрисида»

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда ишчи-ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш бўйича профилактик чораларни амалга ошириш, хавфсиз иш шaroитларини таъминлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз, ходисаларни олдини олиш, электр хавфсизлигини, хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланишни ва техник назоратини кучайтириш мақсадида, **буюраман:**

1. Меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи М.Т.Талиповга, йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Т.С.Исматиллаевга:

1.1. Меҳнат муҳофазаси, хавфли саноат объектлари ва экология ҳолати бўйича жамият корхоналарида тасдиқланган йиллик жадвалга асосан 2017 йил феврал ойида “Қўнғирот МТУ” УК тасарруфидаги корхоналар, “Қўнғирот” профилактикаси, “Ургенч” ва “Ходжейли” темир йўл шифохонаси, “Қўнғирот” харбийлаштирилган кўриклаш отряди, МСЭС Қўнғирот филиали, 14 –сөнли кўприкқурилиш отряди, “Хоразм темир йўл қурилиш”, ПМС-279, “Қўнғирот” ёкилги омбори, “Ургенч экскаватор” заводи, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ Оролбўйи ва Урганч филиали, “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ Нукус филиали, “Шовот-Темирйўлобод” чорвачилик ва парандачилик комплекси, Қўнғирот товуқчилик фабрикаси, янги темир йўл қурилиши участкаси, “Тошкент метрополитени” ДУК, “ТМЗ” АЖ да мониторинг ўтказилсин.

1.2. “Тошкент метрополитени” ДУК ва “Тошкент механика заводи” АЖ корхоналарида мониторинг ишлари 2017 йил 01 февралдан 11 февралгача амалга оширилсин.

Мониторинг ўтказиш ишларида Асомхужаев Р.Р.- меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиқ ўринбосари, Медешев Б.Э, Садиртинова Г.Т, Атаджанов М.Д, Толабоев Ж.В- меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси мутахассислари жалб қилинсин.

1.3. “Қўнғирот МТУ” УК да мониторинг ўтказиш учун қуйидаги меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси мутахассисларини ва йўл хўжалиги бошқармаси меҳнат муҳофазаси муҳандисини 2017 йил 12 февралдан 25 февралгача хизмат сафарига юборилсинлар:

Асомхужаев Р.Р.- меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бошлиқ ўринбосари;

Медешев Б.Э-мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи;

Садиртинова Г.Т-мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси етакчи муҳандиси;

Толабоев Ж.В- мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси;

Рустамов И.И.- йўл хўжалиги бошқармаси мехнат муҳофазаси етакчи муҳандиси.

2. “1-сонли энергомонтаж поезда” бошлиғи А.А.Сафарбековга мониторинг ўтказиш жараёнида корхона мехнат муҳофазаси муҳандиси Р.Ю.Низомов иштироки таъминлансин.

3. Мониторинг ўтказиш даврида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилсин:

мехнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича бошлиқлар, ўринбосарлар ва бош муҳандисларнинг шахсий меъёрий мажбуриятларини бажарилиши;

мехнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш бўйича илғор тажрибаларни за мехнат муҳофазаси ишини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишларни жонлантририлиши;

мехнат муҳофазаси ва шароитлари ҳолати таҳлили ва келажакда мехнат муҳофазасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқилганлиги;

иш жойларини шаҳодатлашдан ўтказиш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилинганлиги;

мехнат муҳофазаси ва хавфли саноат объектларидан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, қоидалар ва низомларнинг бажарилиши.

4. Хавфли саноат объектларидан фойдаланишда қўпол бузилишларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланганда, яъни Қоидалари талаблари тўлиқ таъминланмаганда дарҳол объектлар ва ускуналарнинг иши, белгиланган тартибда тамғалаш йўли билан тўхтатилсин.

5. Мониторинг натижаларига асосан далолатнома тузилиб, муҳокама ўтказилсин ва ишларни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар берилсин.

6. Жамият бошқаруви раиси ўринбосари -“Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғи О.Н.Худойкуловга, “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ бош директори Ў.С.Астановга, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга, “Тошкент механика заводи” АЖ бош директори Ш.А.Пўлатовга :

мониторинг ўтказишда бош муҳандис ва мехнат муҳофазаси муҳандисини шахсан иштирокини таъминлаб, зарур ҳолатларда автотранспорт ажратилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилсин;

аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолда чора-тадбирлар, жадвал ишлаб чиқилсин ва мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

7. “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ бош директори Ж.Т.Нурмухамедовга мехнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бошқармаси талабномаси асосида мехнат муҳофазаси вагонини йўловчи поездларга қўшилиши таъминлансин.

8. Хизмат сафарига юборилаётган ходимлар билан 2017 йил 03 январдаги 1-Н сонли “Хизмат сафари тартиби тўғрисидаги” буйрукга асосан навбатдан ташқари йўл - йўриқ ўтказилсин.

9. Ишларни бошқариш дирекцияси бошлиғи в/б Р.А.Иноғомовга тақдим этилган мониторинг ўтказиш режа-тадбирига асосан белгиланган тартибда хизмат сафари хужжатлари расмийлаштирилсин. Бориш ва келиш поездда амалга оширилсин.

10. Ушбу буйрукнинг bajarilishini nazorat qilish mexnat muxofazasi, texnika va sanoat xavfsizligi boshqarmasi boшлиғи М.Т.Талипов зиммасига юклатилсин.

Жамият бошқаруви  
раиси ўринбосари



Э.Ш.Кадиров